



## ИЛҒОР ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ



ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ○ АҚШ ○ АНГЛИЯ ○ АВСТРАЛИЯ ○ ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ДАВЛАТЛАРИ

## ЯНГИ ИНСТИТУЦИОНАЛ ТИЗИМ

Илғор хориж тажрибаси (Жанубий Корея, АҚШ, Англия, Австралия, Европа Иттифоқи давлатлари) ва замонавий таълим сиёсатининг устувор йўналишлари асосида таълим ташкилотларини аккредитациядан ўтказишнинг янги институционал тизими ишлаб чиқилди (Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги 470-сонли қарори).

## ЯНГИ ТАРТИБГА КЎРА

Умумий ўрта таълим мактабларини аттестациядан ўтиш даврийлиги **9 йилдан 5 йилга**, аттестация давомийлиги эса **10 кундан 3 кунгача** қисқартирилди.


Умумий ўрта таълим мактаблари фаолиятини баҳолаш воситалари ва механизмлари соддалаштирилиб, аттестациядан ўтказиш ва аккредитациялаш жараёнлари электронлаштирилди. Умумий ўрта таълим мактабларининг аттестацияси ва давлат аккредитацияси жараёнини онлайн мониторинг қилиш бўйича «ONAKS» – электрон платформаси яратилди. Шунингдек, онлайн аккредитация реестри (<http://reestr.tdi.uz>) ишга туширилди.

## ТАЪЛИМ СИФАТИНИ БАҲОЛАШНИНГ МЕЗОН ВА КЎРСАТКИЧЛАРИ



### УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ

Умумий ўрта таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш меzonлари ва уларни баҳолаш технологиялари ишлаб чиқилди.




### ТАШҚИ БАҲОЛАШ БЎЙИЧА ЭКСПЕРТЛАР



Умумий ўрта таълим муассасаларини ташқи баҳолаш учун туман (шаҳар)ларда фанлар кесимида **64 нафардан**, жами **12553 нафар** экспертлар реестри шакллантирилди

## АККРЕДИТАЦИЯ НАТИЖАЛАРИ

- Давлат инспекцияси ташкил этилгандан буён **5001 та** умумий ўрта таълим муассасалари аттестациядан ўтказилиб, уларнинг **4623 таси (92,4%)** аккредитацияланди.



Аттестацияга **93 та** таълим муассасалари жалб этилиб, шундан **71 та (76,6%)** си аккредитацияланган ҳамда **22 таси (23,7%)** аккредитацияланмаган.

Аттестацияга **2403 та** таълим муассасалари жалб этилиб, шундан **2271 та (94,5%)** си аккредитацияланган ҳамда **132 таси (5,5%)** аккредитацияланмаган.

Аттестацияга **1647 та** таълим муассасалари жалб этилиб, шундан **1478 та (89,7%)** си аккредитацияланган ҳамда **169 таси (10,3%)** аккредитацияланмаган.

Аттестацияга **858 та** таълим муассасалари жалб этилиб, шундан **803 та (93,6%)** си аккредитацияланган ҳамда **55 таси (6,4%)** аккредитацияланмаган.

## БАҲОЛАШ ТИЗИМИ ВА УНИНГ НАТИЖАДОРЛИГИ

Умумий ўрта таълим муассасаларида таълим сифатини ички баҳолаш тизими жорий этилди. Бу тизим таълим муассасаларида мунтазам ўзини ўзи баҳолаш орқали таълим хизматлари сифатини ошириш ва таълим сифати маданиятини шакллантиришига имкон берди. **Натижада:**

- педагоглар, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари ўртасида сўровнома ўтказиш орқали таълим муассасаси фаолиятини такомиллаштириш тизими йўлга қўйилди;
- мактабларда таълим мақсадларини режалаштириш ва амалга ошириш учун маълумотлар тўплаш ва уни умумлаштириш тизими шакллантирилди;
- таълим сифатини ривожлантириш бўйича мактабнинг **истиқбол режасини** тузиш, ўқувчилар учун хавфсиз ва қулай шароит яратиш, муассасанинг моддий техник таъминотни яхшилаш бўйича йўл харитасини тасдиқлаш ва ҳар чорак якуни бўйича мониторинг олиб бориш амалиёти йўлга қўйилди

## ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ ЧОРАЛАРИ

**Таълим сифати қониқарсиз** деб баҳоланган **378 та** мактабларда таълим сифатини яхшилаш чоралари кўрилди. Натижада, уларнинг **154 тасида** ўқитиш ва таълим олиш сифати кўрсаткичлари яхшиланиб, қайтадан аккредитацияланди, **224 та** мактаблар бир йилдан сўнг қайта аттестациядан ўтказилиши белгиланди.

2020 йилнинг биринчи ярми давомида ўтказилган аккредитация жараёнларида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ режа ва муддатларга эга **803 та** йўл хариталари ишлаб чиқилди. Йўл хариталарининг ижроси натижасида умумий ўрта таълим мактаблари фаолиятида аниқланган **7657 та** камчиликлар бартараф этилди.